

Гуноҳ қилганлар

09:50 / 17.10.2017 3139

Абу Мусо Абдуллоҳ ибн Қайс ал-Ашъарий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

“Аллоҳ таоло кундузи гуноҳ қилганлар тавба этишлари учун кечқурун қўлини ёзади. Ва кечаси гуноҳ қилганлар тавба этишлари учун кундузи қўлини ёзади. Бу нарса қуёш мағрибдан чиқадиган кунгача давом этади”, дедилар. Имом Муслим ривоятлари.

(Қуёш мағрибдан чиқадиган кун-Қиёматдир, яъни, қуёш машриқдан чиқар экан, тавба эшиклари очиқдир. Ёки руҳ халқумига етгунча тавба эшиклари очиқдир)